

**КАСБ - ҲУНАР МАКТАБЛАРИДАГИ АМАЛИЁТЛАР БИЛАН  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ КЛАСТЕРИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

**Хамидов Ж.А.**

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Байметов М.М.**

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада, илм-фан тармоқлари кластери, касб-хунар мактабларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини ҳамда ишлаб чиқариш жараёни давр талаблари асосида йўлга қўйиш ҳамда уни такомиллаштириш ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: касб ҳунар мактаби, малакавий амалиёт, педагогик амалиёт, ишлаб чиқариш жараёни, кластер.

**THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF  
PROVIDING A CLUSTER OF PRODUCTION PROCESS WITH  
PRACTICES IN VOCATIONAL SCHOOLS**

**Xamidov J.A.**

*Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region  
Senior Lecturer of the Department of Technological Education*

**Baymetov M.M.**

*Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region*

## *Teacher of the Department of Technological Education*

**Abstract:** This article deals with the integration of teaching and production practices in vocational clusters, vocational schools, as well as the organization and improvement of the production process in accordance with the requirements of the time.

**Keywords:** vocational school, qualifying practice, pedagogical practice, production process, cluster.

Республикамиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда, жумладан, илм-фан тармоқлари интеграцияси жабҳасида ҳам муайян қадамлар қўйилди. Бу таълим тизимини тубдан қайта қуриш, ўқувчилар томонидан билимларни қулай ўзлаштириш имкониятларини кенгайтирди. Замонавий технологияларда ишлашга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг узлуксиз тизимини методологик жиҳатдан белгилаб берди.

Шундай экан, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига қўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиши лозим. Зеро, миллий дастурининг навбатдаги босқичида таълим сифатини ошириш, бу жараёнда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигига эришиш устувор вазифа ҳисобланади. Таълимнинг инсонпарварлашуви касб таълими, жумладан ўқув ишлаб чиқариш амалиётлари мазмунини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Таълим мазмунини такомиллаштиришда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига тайёр кадр таъминлаш муҳим. Кузатишларимиз шуни кўрсатдик, Касб хунар мактабларида мазкур интеграцияни таъминлаш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Касб хунар мактабларида амалиёт мазмунида бу интеграциянинг етарлича таъминланмаганлиги туфайли қатор муаммолар вужудга келмоқда. Мазкур интеграцияни таъминлаш зарурияти ижтимоий ҳаёт талаби. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашни Давлат таълим стандартида белгилаб берилган талаблар доирасида амалга ошириш лозим. Амалиётлар жараёнида мазкур интеграцияни таъминлаш бу жараёнда турли интерфаол усуллар ва илғор педагогик технологияларни қўллаш имконини беради. Амалиётлар мазмунида бу интеграцияни таъминлаш қатор педагогик имкониятларни вужудга келтиради. Амалиётлар интеграцияси бир-бирини тўлдиради. Шунга кўра, амалиётлар мазмунида ҳам бу интеграцияни амалга ошириш имкониятлари мавжуд.

Бугунги кунда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг амалиёт фаолиятида идрок этиш фаолликларини ривожлантириш, уларнинг идрок этиш қобилиятларини шакллантириш, амалиётларда мазкур интеграцияни таъминлашда илмийлик тамойилига амал қилиш ҳамда бу жараёнда ушбу интеграцияни биргина фан доирасида таъминлаш мумкин эмаслиги асослаб берилган. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграцияси таъминланган шароитда ўқувчилар-нинг эгаллаган билимлари самарали ривожланиши билан бирга, уларнинг идрок этиш қобилияти, фаолликлари, қизиқишлиари, ақлий интеллектуал имкониятлари ортишига эришилади. Мазкур интеграцияни маҳсус фанлар бўйича фан дастурлари, дарсликлар мутаносиб-лигини таъминловчи дидактик имконият сифатида тушуниш лозим.

Кузатишлардан маълум бўлдики, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясининг дидактик имкониятлари аниқлан-маган. Амалиёт соҳалари мазмунини ўзлаштириш ва эгалланган ўзаро алоқадор билим, кўникма, малакаларни билиш, амалда қўллаш жараёни назарий ва амалий жихатдан тадқиқ этилмаган. Ҳозирги кунда коллажлар амалиёт мазмунида

максус фанлардан билимларни тақдим қилиш, ўқувчиларнинг юқори даражадаги кўникмалари, тафаккурини шакллантириш юзасидан эътиборга олинмай келинаётган ҳолатлардан бири мазкур интеграцияга ўрта максус таълим мазмунида етарли даражада эътибор берилмаган-лигидан. Шу сабабли, янги назарий ва амалий билимларни амалиётлар мазмунига киритиш, мазкур интеграцияда зарур билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш, ижтимоий ҳаёт тажрибалари ва илм-фаннынг турли соҳалари учун муҳим бўлган билимларни ўқувчилар эгаллашлари учун юксак билим ва маҳоратга эга бўлган педагог-мухандисларни тайёрлаш ниҳоятда зарур.

Мазкур вазифаларни ечиш учун ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашни илмий жиҳатдан асослаш мақсадида амалиётларнинг мазмунини танлаш, бу жараёнда қўлланилаётган педагогик технологиялардан фойдалан-ган ҳолда максус фанларнинг ўзаро боғланган тизимини шакллантириш лозим. Демак, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграцияси амалиётлар мавзулари мазмунини очиб бериш учун зарур. Мазкур интеграция амалиёт мавзуларининг мазмунини ўрганиш, ундаги муҳим тушунчаларни ажратиб олиб ўзлаштиришда қўйидаги жараёнларни фаоллаштириш имкониятини беради:

- амалиёт мавзуларини ўрганиш жараёнида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграцияси ҳолатини аниқлашга субъектив ёндашиш эҳтимолини пасайтириш;

- амалиётнинг муҳим ғояларини очиб беришда аҳамиятга эга бўлган жиҳатларига ўқувчилар эътиборини қаратиш; доимий равишда ўқувчилар ижодий ташаббускорлиги ва амалиёт фаолияти мустақиллигини кенгайтириш, мазкур интеграцияни самарали йўлга қўйиш учун дидактик восита турларини қўллаб, ундан фойдаланиш бўйича ташкилий ишларни босқичма-босқич амалга ошириш;

- турли дидактик воситалар ёрдамида амалиётларнинг ўзаро узвий бирликда ўзлаштирилишига эришиш;

Касб хунар мактабларида амалга ошириладиган амалиётлар жараёнида ўкув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлаш ўкувчиларнинг билимларини тизимлаштиришга, уларнинг мустақил фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришга, таълимнинг қуи босқичларида эгаллаган билимларини чуқурлаштиришга ёрдам беради. Махсус фанлар бўйича эгалланган билимларни амалиётда ўрганилаётган янги мавзу билан бирлаштириш мазкур интеграцияни таъминлашга ёрдам беради. Ушбу жараён ўкувчиларнинг атроф, инсон, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларини шакллантиради ва бойитади. Улар асосида фанлардан эгалланган билимларни умумлаштириш вазифаси самарали ҳал этилади. Ўкувчилар махсус фанларни ўзлаштириш жараёнида асосий тушунчалар ва атамалар ёрдамида ўз билимларини ривожлантиради.

Мунтазам тарзда татбиқ қилинадиган мазкур интеграция турли соҳага оид билимларни эгаллаш, улардан доимий фойдаланиш ўкувчилар эгаллаган кўникма, малакаларини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради. Уларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ҳамда бу жараённинг самарадорлигини оширади. Мазкур интеграция билимларни эгаллаш, амалиётларни ташкил этишининг дидактик имкониятларидан биридир. У ўкувчи қобилиятларини шакллантириб, ривожлантириб бориш асоси сифатида белгилаб олинган амалиёт методларига таянган ҳолда амалга оширилади.

Ўкув фанларининг умумий тузилиш элементлари амалиётда мазкур интеграцияни амалга оширишнинг қуидаги объектив асосларини яратади:

- эгалланадиган билим, тушунча ва далиллар; қонунлар ва назариялар;
- ўкувчи дунёқарашини шакллантирувчи ғоялар;
- тарихий муаммолар ва илмнинг ривожланиш йўли;
- фаннинг методологик асослари ва методлари;
- белгилаб қўйилган махсус кўникма ва малакалар;

Мазкур интеграция асосида амалиётларда қатор тарбиявий масалаларни ҳал этиш лозим, улар қуйидагилар: ўқувчиларга ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграцияси асосида билим беришда мазкур жараённинг моҳияти, турлари ва амалга ошириш йўлларини аниқлаш; амалдаги фан дастурларида мазкур интеграцияни аниқлашга доир талабларни ўрганиш; танлаган соҳаси бўйича маҳсус фанларни ўзлаштиришда мазкур интеграциянинг асосий йўналишлари билан танишиш; ўқувчиларга билим беришда бу интеграцияни таъминлаш натижасида ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни амалда қўллаш имкониятларини кенгайтириш.

Касб ҳунар мактабларида фан дастурларини мазкур интеграция асосида такомиллаштириш ва мазмунан бир-бирига яқин фанлардан амалиётларни ташкил этишни мувофиқлаштириш муаммоларини илмий асосда ҳал қилиш зарур. Мазкур дастурлар фан ғоялари ва методлари, маҳсус фанларни ўрганишга янгича ёндашувлар, унинг ижтимоий алоқаларини акс эттириши лозим. Интеграллашиш натижасида амалиётларнинг мазмуни ўзгаради. Шунинг учун, янги фан дастурларида амалиётларни мазмунан илмий жиҳатдан бойитиш, эгалланиши зарур бўлган таянч билимлар ажратиб кўрсатиш, амалиётлар мазмунида ижтимоий онгнинг турли шакллари ва мазкур фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси ўз аксини топиши лозим.

Касб ҳунар мактабларида амалга оширилаётган амалиётлар олдида турган долзарб муаммолардан бири илм-фаннынг муайян соҳасини эгаллашга ўзини сафарбар қилган ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётда муносиб ўрин топиши учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитларни вужудга келтиришдан иборат. Ўтказилаётган амалиётларнинг мазмунини илмий жиҳатдан мукаммаллаштириш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласиган технологик ишланмалар бугунги кунда ниҳоятда зарур.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

- 1.Мавлянов.А, Абдалова.С, Байметов.М.М, “Касб-хунар колледжларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграцияси”. Услубий тавсиянома. –Т.: Фан ва технология, 2014. - 115 бет.
- 2.М.М.Байметов “Касб хунар мактабларида ўқув амалиётларини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш йўллари” ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES №4 2021
3. Ж.А.Хамидов “О некоторых видах методах трудового воспитания младших школьников” ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES №2(81)2021